



2020 yil « 18 » апрел

№ 169-к

Toyloq sh. – г. Тайляк

“Тойлоқ-Жартепа-Ургут” айланма йўлидан Жумабозор қишлоғига қадар оптик толали алоқа линияси ташкил этиш учун вақтинчалик ер майдони ажратиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Ер Кодексининг 6, 23-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 февралдаги 55-сонли “2016-2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қарорига, туманда ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман ҳокимлиги комиссияси аъзоларининг далолатномасига, “Ўзбектелеком” АК Самарқанд филиали директори Х.Равшановнинг туман ҳокими номига ёзган хатига ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 25-моддаларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. “Ўзбектелеком” АК Самарқанд филиали директори Х.Равшановнинг туман ҳокими номига ёзган хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Тойлоқ-Жартепа-Ургут” айланма йўлидан Жумабозор қишлоғига қадар 12 км масофада оптик толали алоқа линияси ташкил этиш учун вақтинчалик ер майдони ажратилсин.

3. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Ж.Хайитовга, туман бош архитектори (С.Эралиев)га белгиланган ер майдонда, оптик толали алоқа линияси ташкил этиш учун тайёрланган лойиҳа ва шаҳарсозлик ҳужжатлари асосида қурилишини назоратини олиб бориш топширилсин.

4. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Т.Ҳожиқулов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими:



Б.Бабоназаров